

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

МЕҲР ВА САХОВАТ ИНСОННИ УЛУҒЛАЙДИ

Давлатимиз раҳбари 2006 йилни "Ҳомийлар ва шифокорлар йили", деб эълон қилганларида, аввало, "Ҳомий" сўзининг луғавий маъносига аниқ таъриф бериб ўтдилар: "Ҳомийлик фақат ўз бойлигидан бир қисмини хайр-эҳсон учун ажратиш эмас. Бу закот ҳам эмас, садақа бериш ҳам эмас. Ҳомийликни биз инсон қалби ва юрагидаги энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодаси деб биламиз".

Дарҳақиқат, ҳомийлик халқимизга аждодлардан мерос фазилатидир. Ота-боболаримиз қадим-қадимдан ўз фарзандларини йўқилганни сўяш, ёрдамга муҳтож кишига кўмаклашиш, бева-бечорани қўллаш руҳида тарбиялаб келган. Шу маънода ҳомийлик бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган олий қадриятлардан бири эканини таъкидлаб ўтсақ бўлади. Мубо-рак Куръони каримда бу эзгу аъяна ҳақида шундай дейилган: "Нимани хайр-эҳсон қилсангиз, ота-она, қариндошлар, етимлар, мискинлар ва мусофирларга қилингиз! Аллоҳ ҳар қандай қилган эҳсонларингизни билиб тур-гундир".

Президентимизнинг 2005 йил 16 декабрдаги "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури тўғрисида"ги қарориди халқимизнинг маънавий қадрияти сифатида ҳомийликнинг аҳамиятини янада кўчатириш, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш, таъкидлаш, қорғошлар, шунингдек, аҳолининг кенг қатламларини жалб этиш, ижтимоий ноҳор оила-ларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалалари ўз ифодасини тоғган ҳамда маъруза масалаларининг қонуний асосларини яратишга уруғ берилган. Жум-ладан, қарорда "Қонунийлик ва норматив-ҳуқуқий базани шакл-



лантириш, ўз даромадларининг бир қисмини қалб амри билан ҳомийлик мақсадларига йўнал-тиришга тайёр олижаноб инсон-ларнинг ҳолисона интилишлари-ни қўллаб-қувватлаш" асосий ва-зифа сифатида белгиланган.

Аслида ҳам етимларга, ноҳорлар-га меҳр-муруват кўрсатиш барча даврларда халқимизнинг олижаноб амалларидан бўлиб келган. Ўзбек хал-қи инкинчи жаҳон уруши даврида ота-онасиз қолган 200 минг нафарга яқин етимларни ўз бағрига олди, уларни ўз фарзандидек боқиб тарби-ялади. Тошкентлик Шоҳмад Шоҳма-мудов, каттақўрғонлик Ҳамид Сама-

дов, самарқандлик Фотима Қосимо-ва сингари инсонпарвар юртдошлари-мизнинг ҳар бири 10-15 нафар бола-ни парваришлаб оёққа турғазиган. Президентимиз Ислам Каримов "Ва-тан саждагоҳ каби мақдасдир" китобида шундай ёзди: "Уша оғир йилларда, бир бурда нон тангис бўлган йилларда, Ўзбекистон уруш туйғули уй-жойсиз қолган минглаб оилаларга бошлана берди, қанчадан-қанча етим-есирлар-нинг бошини силади, халқимиз-нинг инсонпарварлик ва олижаноб-лик фазилатлари тилларда до-стон бўлди".

Ҳомийлик кўрсатиш, муҳтож ва

ноҳор оилаларга ёрдам бериш, ке-ксаларнинг кўнглини олишдек халқ-она аъёналаримиз мустақиллик йилларида янгича моҳият касб этди. Дарҳақиқат, "Ҳомийлар ва шифо-корлар йили" дастурида кам таъ-минланган оилаларга моддий ёр-дам кўрсатиш ва маънавий жиҳат-дан қўллаб-қувватлаш бўйича улкан тадбирлар белгиланган. Жумладан, "Президент совғаси" сифатида 1-синф ўқувчиларига 520 мингта дарсликни текин тарқатиш, кам таъ-минланган оилаларнинг бошланғич синф ўқувчиларига 720 мингта ки-ши қисқич қийиларга совға қилиш ре-жалаштирилган. Шунингдек, маҳал-

ла — қорхона алоқаларини йўлга қўйиш, ҳар бир туманда кўп бола-ни оилаларга қорамол ажратиш, куз-киш ойларида ёлғиз кексалар, ноғиронларга хизмат кўрсатиб, уй-ларини таъмирлаб бериш, "Меҳри-бонлик", "Саховат", "Муруват" уй-лари ва ихтисослашган муассаса-ларнинг моддий-техника базасини яхшилаш, жиҳозлар билан таъмин-лаш, камида 30 минг нафар ёлғиз кексалар, пенсионер, ноғирон ва ёрдамга муҳтожларнинг ижтимоий таъминот билан қамраб олиш ва со-ғлиқни сақлашга оид қўллаб тад-бирлар белгиланган.

(Давоми иккинчи бетда)

MEZON

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағари-дан жамғариб бориладиган пенсия тўловлари тўлаш учун фойдаланилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағари-дан жамғариб бориладиган пенсия тизими билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятларини бажариш учун фойдаланиш мумкин эмас.

Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларининг алоҳида ҳисобини юрताди.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини кўпайтириш ҳамда уларни пул қадриятидан ҳамроҳ этиш мақсадида бундай маблағлардан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шунингдек, молиявий во-ситаларга жойлаштириш учун фойдаланиши мумкин.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида фойдаланиши Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан кели-шилган ҳолда Халқ банки томонидан амалга оширилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини молиявий во-ситаларга жойлаштириш тартиби Ўзе-бекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

"ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 12-МОДДА

Istiqlol va imkoniyat

Замонавий парламентаризмнинг такомиллашуви ХХ асрда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат ҳокимиятининг унга тақсимланиши принципини амалга ошириш имконини яратди. Қонун чиқарувчи ҳокимият, парламент тисолида, ижро ва суд ҳокимиятлари билан ўзаро муносабатларда ҳокимиятлар мувозанатини таъминлаб туриш воситаси сифатидаги вазифани ҳам бажариб келмоқда. Ҳозирги даврда давлат ҳокимиятининг ҳар уч тармоғи нафақат бир-бирдан мустақил сиёсий кучга айланди, балки ўзаро бир-бирини назорат қилиш асосида фаолият юритиш тажрибасини ҳам эгаллади.

СЕНАТ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР

ҲАМКОРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Миллий мустақиллик ша-рофати билан Ўзбекистонда ҳам илк парламентга асос солинди, унинг икки палата-ли бўлишига доир ислохот-лар бошланиб, мамлакатнинг стратегик мақсади — фуқа-ролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этишга доир вазифалар белгилаб олинди. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 24 февралдаги "Мамлакатимиз тараққи-ётининг қонуний асослари-ни мустаҳкамлаш фао-лиятимиз мезони бўлиши даркор" номи маърузаси-да таъкидланганидек, Се-натнинг асосий вазифа-ларидан бири маҳаллий ке-нгашлар билан ўзаро узвий алоқаларни таъминлаш-дир.

Президентимиз 2-чақириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясидаги нуктада ҳам бу ҳақда алоҳида тўхталиб, шундай таъкидлаган эди: "Юқори палатага сайлан-ган вакиллarning асосий вазифаси қуйи палатада тайёрланган қонунларни кўриб чиқиш ва шунга мос равишда ўзларнинг қарорларини қабул қилиш, жамоат-чилик фикрини ўрганиб ва зарурий ҳолларда давлат ҳокимияти органлари, фуқа-роларнинг ўзини ўзи боқ-ариш идоралари ва жамоат ташкилотларига тақлифлар киритиши керак. Сенаторлар сайловчиларни ўз фаолият-лари ҳақида учрашувларида, оммавий ахборот восита-лари орқали хабардор қилиб бориши лозим."

Сенатнинг халқ депутатла-ри маҳаллий Кенгашлари билан алоқани янада изчил йўлга қўйиш учун қуйидаги масалаларга жиддий эъти-бор қаратса, мақсадга муво-фиқ бўлади: — ҳудудий муаммоларни Сенатда ҳал этиш йўллари; — меъёрий-ҳуқуқий ҳуж-жатларнинг бир-бирига мос келишини таъминлаш бўйича ваколатни амалга оши-риш;

— Олий Мажлис Сенати-нинг Қорақалпоғистон Рес-публикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, ту-ман, шаҳар Кенгашлари билан ўзаро ахборот алмашиш механизмининг йўлга қўйиш.

Бундан ташқари, ҳудудий муаммоларни кўриб чиқиш-радиган кўнглина вазифалар орасида вакиллик функция-сини муҳим аҳамиятга эга. Се-нат ёки сенаторлар вакил-лик функциясини икки кўри-нишда амалга оширадиган: сенаторнинг халқ вакили си-фатидаги вазифалари; сенаторнинг уни Сенатга таъ-сия этган халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ваки-ли сифатидаги вазифалари. Сенатор, аввало, халқ-нинг вакили ҳисобланади. Бошқача айтганда, сенатор-лар сенаторлик ваколатини амалга оширишлари билан бир пайтада улар халқ депу-татлари вилоят, туман ва ша-ҳар Кенгашларининг ҳам депу-татлари ҳисобланадилар.

Сенатор ўзи вакил ҳисоб-ланган Кенгашнинг давлат микёсида ҳал этилиши кут-илаётган масалаларини Олий вакиллик органи иш юри-тувга олиб чиқади ва унинг ечими ҳамда Кенгаш томо-нидан ўзига топширилган ва-зифаларнинг Сенатда қўрил-

С.ХИДИРОВ,
юридик фанлари
номзоди
И.БЕКОВ

Мамлакатимизда жиний жазолари либераллаштиришга қаратилган доимий эътибор самараси ўлароқ, жазолашнинг репрессив, озоқликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонийлик каби тамойиллари амалда тобора кенг қўлланилмоқда.

Жиноятчиликнинг ол-дини олиш, унга қарши курашиш самардорлиги жазонинг оғирлигига эмас, балки қонунни буз-ган шахс жазо муқаррар-лигини нечоғли англаши-га боғлиқ. Шу боис жиноят кўчасига кириб қол-ганларни қайта тарбия-лаш масаласига жиддий эътибор қаратилаётир.

Азалдан ота-бобола-римиз йиқилганни сўяб, адашганларга тўғри йўл кўрсатиб келган. Истиқлол йилларида юртимизда ана шундай инсоний қадрият-ларга, бағрикенглик та-моийилларига амал қилиш-га эътибор янада кўчайди. Буни билиб-билмай жино-

АМНИСТИЯ

Ижроси изчил таъминланмоқда

ят кўчасига кириб қолган-ларнинг гуноҳлари афв этилаётганида ҳам қўриш мумкин.

Олий Мажлис Сенати-нинг давлатимиз раҳбари тақдиминомасига биноан қабул қилган "Ўзбекистон Республикаси Конститу-

цияси қабул қилинган-лигининг ўн уч йиллиги муносабати билан Амни-стия тўғрисида"ги қаро-ри бу борада яна бир му-ҳим қадам бўлди.

Инсон эрки билан боғ-лиқ бу ҳужжат қўллаб ки-шилар кўнглида умид учк-

ёшга тўлган эркаклар, чет эл фуқароларини озод этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Эътиёсизлик орқасидан жиноят содир этганлар, биринчи марта ҳўкм қилинган шахслар, башар-ти улар ижтимоий хавфи

катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят со-дир этган бўлсалар, жазо-дан озод қилинмоқда. Шу-нингдек, касалликка ча-линган ҳамда биринчи ва иккинчи гуруҳ ноғиронла-ри ҳам шу тоғифга кири-птилиб, қолганларинг

муносабат, меҳр ва иштиёқ нафақат иқтисо-дий, балки ижтимоий масалага айланиб бораётганини кўрсатди. Маълумки, янги фермер хўжалиқларини ташкил этиш учун та-лабдорларни танлаш ва танловни ўтказиш тартиби, муддатлари уч босқичда ўтказилди. Биринчи босқичда туман ҳокимлиги, қайта таш-кил этиш комиссияси танлов тўғрисида ариза-ларни қабул қилиш муддатларини белгил-ловчи эълон беради.

Иккинчи босқичда эса талабдорлар ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни тақдим этади. Учинчи босқичда комиссия танловда иштирок этиш учун унинг иштирокчиларини танлайди. Танлов жара-ёнида давлатимиз

жазо муддатларини қис-қартириш доираси ҳам анча кенг. Фақат жавоб-гарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдиринг жиноятини содир этганларга ушбу қарор таъбиқ этилмайди.

Қарор ижросини сифат-ли ва тўлиқ таъминлаш борасида айна чоғда те-гишли ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, ҳуқуқни муҳофа-за қилувчи идоралар хо-димларига етказилган. Шу билан бирга жазони ижро этиш муассасала-ри ходимлари, суд, про-куратура, ички ишлар идоралари ҳамда соғлиқ-ни сақлаш, маҳаллий бо-шқарув идоралари вакил-ларининг ўзаро ҳамкор-лиги йўлга қўйилган.

Қарорнинг моҳиятини фуқаролар ҳамда амни-стия таъбиқ этилиши кут-илаётганларга тушунтириш ишларини йўлга қўйишда мутасадди ташкилотлар ва оммавий ахборот восита-ларининг яқин ҳамкорли-

раҳбари қарорига асосан жойлардаги қишлоқ фуқаролар йиғинлари, қишлоқ охсоқоллари, фаоллари, ер илмининг фидойила-ри, миришкор деҳқонлар вакиллари билан иборат жамоатчилик кенгаш-лари фикри ҳам тарозу палласига қўйилди. Бош мақсад — ернинг қадри-га етадиган ҳақиқий деҳқонларни танлашдан иборат. Нега деганда, эртага ернинг тақдир и уларнинг қўлига тушади.

Таассуфки, етарли қонуний асослар мавжуд бўлиб, танлов ўтказиш тартиби белгилаб берил-ганга қарамай, қайта ташкил этиш комиссия-лари баъзан ҳато ва кам-чиликларга йўл қўйган ҳолатлар ҳам йўқ эмас.

Маълумки, танловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон Респуб-

Qaror va ijro

ти таъминланаяпти. Зеро, озод қилинганларнинг ҳаётда ўз ўринларини то-пишида кўмаклашиш жа-раёндан ҳеч ким четда турмаслиги, жамиятимиз муҳитини соғ-ломлаштиришда барча юртдошларимиз фаол иш-тирок этиши мақсадга му-вофиқдир.

Айни кунларда тегишли идоралар томонидан ма-зкур қарор ижросини таъ-минлаш юзасидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Қорақалпо-ғистон Республикаси Ва-зирлар Кенгаши ва вило-ятдаги ҳокимликлари ҳузу-ридаги махсус комиссия-лар, ижтимоий мослашув марказлари жазони ўташ жойларидан озодликка чи-қарилганларнинг ижтимо-ий-машиий таъминоти ва уларни ишга жойлашти-риш масалаларига алоҳи-да эътибор қаратмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Tahlil ko'zgusi

ликиси фуқаролар, шу жумладан, фаолият кўрс-атган фермер хўжалик-лари раҳбарлари, техника ва пул маблағларига эга бўлган шахслар бир неча лойиҳаларга талабдор сифатида ариза бериши мумкин.

Шу талабдан келиб чиқиб, Баҳодир Қаюмов 2005 йил 22 ноябр куни Пешкў туманидаги, "Бўхоро" ширкат хўжали-гини фермер хўжалиқ-ларига айлантириш бўйича қайта ташкил этиш комиссиясига 29-контур-даги ерда фермер хўжа-лиги ташкил қилиш учун тендер танловига қатна-шиш мақсадида ҳужжат-ларни қабул қилишни сўраб, муружаат қилади.

(Давоми иккинчи бетда)

ЮЗАКИ МУНОСАБАТ

у судда ўз тасдиғини топди

Ҳақиқатан ҳам, фермер хўжалиқларининг шаклла-ниши ва тараққий этиш жараёни моҳият-эътибори билан одамларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, янги-янги иш уринлари яратиш, умуман айтганда, иқтисодий тараққиётимиз юксалиши-га хизмат қилади. Даст-лабки қўйилган қадамлар

бу ҳақиқатни яна бир қарра исботлади. Шу маънода давлати-миз раҳбарининг 2005 йил 8 ноябрдаги "2006 йилда қишлоқ хўжали-ги кооперативлари (ширкатлари)ни фер-мер хўжалиқларига айлантириш чора-тадбирлари тўғриси-да"ги қарори бекиёс

аҳамият касб этди. Мазкур қарорга қўра, Бўхоро вилоятда зарар кўриб ишлаётган паст-рентабелли ва истиқ-болсиз 50 та ширкат хўжалиги негизда янги фермер хўжалиқлари ташкил этилди. Талаб-дорлардан 3686 лойиҳа бўйича 10164 ариза тушди. Бу ерга бўлган

(Давоми. Боши биринчи бетда)
 Шунингдек, "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури тўғрисида қарорда "Ҳомийлик тўғрисида" қонун лойиҳасини тайёрлаш ва тасдиқлаш ҳам қайд этилган. Ушбу қонуннинг мақоли қилиниш маънасида инсон манфаатлари тўғрисида қўйилган давлат сиёсати даражасига қўйилган яна бир даража бўлади.

Дирган. Давлатимиз раҳбари томонидан бу вазифаларни ҳал қилиш чоралари қўйилган саволларга берилган жавобларда ўз ифодасини топган. Сўралганларнинг 89,9 фоизи ишонқан қадар ҳомийлик қилиш, муҳтожа, беморларга ёрдам беришга таянганлигини билдирган.

Олинган маълумотларнинг кўрсатишича, аҳоли ҳомийлик жамиятдаги

қилмоқдалар. Жойларда ҳомийлар маҳалла гузарлари, спорт майдонлари кўриб ўтириб ёки тасвирлаб беришган бўлса, баъзи жойларда меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернетларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб туришди, ёлғиз пенсионерлар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган оилаларга ёрдам қилини чўзишмоқда. Жумладан, Таш-

2006 yil — Homiyilar va shifokorlar yili

нинг саломатлигини тиклаш учун шифохонага жойлаштиришди. Маҳалла оиламизда ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб туришди. Юртбошимиз ташаббуси билан 2006 йил "Ҳомийлар ва шифокорлар йили", деб эълон қилинди. Бу давлатимизнинг биз каби кўнгли яриملарга гамирлиги номунаси. Ораминда мурувватчи, саховатпеша инсонлар қанчалар кўпайса, калбиниздаги меҳр-оқибат туйғулари ҳам шунча мустақимлик бораверади.

сонлар борлигидан қувониб юрمان. Уларга миннатдорчилигини билдираман". Самарқанд вилояти, Каттакўрғон шайхиди Ислом шоир номидаги маҳалладан ёзилган мактубда қўйилган эътироф этилган: "Раҳимжоннинг ота-онаси бундан ўн йил бурун бахтсиз ҳодиса оқибатида вафот этишган. Ота-онадан эрта айрилиб қолган ака-сингил етимларни маҳалла ўз қармоғига олди. 2004 йили хашар йўли билан уларга тўрт хонали ўй қуриб беришди. Синглиси Зебохоннинг никоҳ тўйини ўтказишда ҳам маҳалла ўз ёрдаминини аямиди. Орадан

икки йил ўтгач, баезитлан маҳалла гузариди Раҳимжоннинг тўйини ўтказишди. Бу тўйга ҳам маҳалла ҳомийлари бош-қош бўлди, барча ҳаракатлари ўз зиммасига олди. Ёзда ана шундай мурувватчи инсонлар ҳайиди!" ("Маҳалла" газетаси, 2006 йил 1 феврал).

"Ҳомийлар ва шифокорлар йили" Давлат дастурида халқроқ хайрия тузилмалари вақилларини ҳомийлик тадбирларига кенг жалб этиш ва шу асосда ҳомийликни омавий ихтиёмий ҳаракатга айлантириш, мамлакат ихтиёмий муносабатлар тизимида доимий ўрнига эга бўлишини ташминлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

Албатта, меҳр ва саховат, олижаноблик ҳаётда ҳеч қачон беиз қетмайди. Аслида умр мазмуни, ҳаётдан қониқчи ҳосил қилиш ана шундай эзгу ишга қўл ўرғанда яққол намоян бўлади.

Марат ФУЛОМОВ, юридик фанлари номзоди

Muloqot

"МЕНИ ИШДАН БЎШАТИШДИ..."

Мен 2004 йилдан бунёд лабораторияда 2 даражали намуна олувчи бўлиб ишлар эдим. 2005 йилнинг 6-16 октябрь кунлари шифохонада даволанаётган пайтда 10 октябрь санаси билан раҳбарият мени ишдан бўшатди. Бу қонунга зид эмасми? Мен яна ўз ишимга тикланишим учун нима қилишим керак? Илтимос, маслаҳат берсангиз.

Зухра АБДУЛҲАМИДОВА, Поп Тўман

— Аввало, раҳбарият сиз шифохонада даволанаётган вақтингизда нима учун ишдан бўшатганини аниқлаштиришнинг лозими. Чунки Меҳнат кодексининг 100-моддаси, 2 бандида ходимнинг малакаси етарли бўлмагани ёки соғлиғига бўлажаётган ишдаги нолайик деб топилса, меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинади. Аммо бу ҳақда раҳбарият, албатта, ходимни олдиндан оголантириши керак.

Иккинчидан, сизнинг соғлиғингиз бажараётган иш фаолиятингизга тўғри келмаса, раҳбарингиз фойдаланишнинг равишида ишдан бўшатилишига ишонган бўлиш керак. Ходимнинг илтимосига кўра, суд ишга тиклаш ўрнига унинг фойдасига (ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилганда ташқаридан) қамда уч ойлик иш ҳақи микдоридан қўшимча ҳақ ундириб бериши мумкин.

Меҳнат шартномасини гайрикўнуний равишда бекор қилганлик ёки ходимни гайрикўнуний равишда бекор қилишга ўтказилганлик учун иш берувчининг жавобгарлиги ҳақида сўз юритилган бўлиб, ушбу моддада мувофиқ, ишга тикланганда иш берувчи зиммасига ҳодимга етказилган зарарни қоплаш мажбурияти юклатилади. Зарарни қоплаш: — мажбурий прогкул вақ-

НОГИРОНЛИК НАФАҚАСИ

БЕРИЛАДИМИ?

Иш фаолиятини давомида кўзим жиддий жароҳат олди. Кейинчалик бу ҳол соғлиғимга жиддий таъсир қила бошлади. Шунда бир танишим ногиронлик пенсиясига чиқсини маслаҳат берди. Ногиронлик нафақаси қандай ҳолларда тайинланади?

Д.МАҲҚАМБОЕВ, Сирдарё вилояти

— Ногиронлик нафақасини тайинлаш тартибини ва шартлари ҳақида "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонуннинг 15-моддасида сўз юритилган. Мазкур моддага биноан, ногиронлик пенсиялари меҳнат қобилияти тўлиқ ёки қисман йўқотилган кўнуний равишда таъинланади: а) меҳнатда майибланганда ёки касб касаллиғига учраганда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган ногиронлик сабаблари ва касб касаллиқлари рўйхати бўйича; б) умумий касаллик (шу жумладан, иш билан боғлиқ бўлмаган шикастланиш, майиблик, болалиқдан ногиронлик) тубайли.

Иш фаолияти давомида олган жароҳати ёки касб касаллиғига учрагани таъинлашга тасвია этиш рад қилинса, унга рад этиш сабаблари қўрилган ҳолда ёзма ҳабар қилинади. Пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилган шахс мазмуриятнинг (бошқаруving) пенсия тайинлашга тасвिया этишни рад этган қарорига рози бўлмаган ҳолларда, у пенсия тайинлашнинг сўраб бевосита туман (шахар) ижтимоий таъминот бўлимига аризаси бериши мумкин.

Huquqiy savodxonlik sari

Ҳаё шартномаси бўйича бир томон — ҳаё қилувчи иккинчи томон — ҳаё олувчига аёшни текшира мук қилиб бериб ёки бериш мажбуриятини олади. Қадимда, масалан, рим ҳуқуқида фақат мулкни текшира бериш ҳаё шартномасининг предмети ҳисоблана бўлса, ҳозирги вақтда ҳаё шартномасининг мазмуни кенгайган бўлиб, мулкчи ҳуқуқини бериш, уни ваёда қилиш ёки мулкчи ҳуқуқдан озод қилиш мажбуриятлари қонунда ўз ифодасини топган.

ҲАҲЯ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Ҳаё шартномаси тузилаётганда ҳаё қилувчи шахс ҳаёни аниқ қўрсатиши керак. Ҳаё ашё ёки мулкчи ҳуқуқ бўлиши лозим. Агар ҳаё қилувчи ўзининг мол-мулкни ёки унинг бир қисмини ҳаё этишни ваёда қилса, бундай шартнома ҳақиқий бўлмайди. Ҳаё олувчига ҳаё қилувчининг ўлимида кейин ҳаёни топширишни назарда тутувчи шартнома ҳам ҳақиқий ҳисобланаёи.

Ҳаё шартномаси икки тарафлама битим бўлиб, унда ҳар иккала томоннинг розилиги талаб этилади. Қабул қилувчи ҳаё ўзига топширилгунча хоҳлаган вақтда уни рад қилиши мумкин. Ҳаё шартномаси оғзаки ва ёзма шаклда тузилиши мумкин. Кўчар мулк ҳаё этилаётганда, ҳаё қилувчи юридик шахс бўлса, фуқаролар ўртасида энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортук микдорда шартнома тузилаётганда шартнома ёзма шаклда тузилиши мумкин. Аммо кўчмас мулкни ва автоматотранспорт воситаларини ҳаё қилиш нотариал тартибда расмийлаштирилиши шарт. Қонуннинг бу талабига риоя этилмаса, шартнома ҳақиқий эмас, деб топилади.

Агар ҳаё қилувчининг моддий аҳоли ёмонлашган бўлса, у шартномани бажаришдан бош тортиши мумкин. Ҳаё олувчи ҳаё қилувчи ёки унинг оила аъзолари, яқин қариндошларининг ҳаётига ёки соғлиғига қарши атай жиноят содир этган бўлса, ҳаё шартномасини бекор қилиш учун судга мурожаат қилинади. Агар ҳаё олувчи ҳаё қилувчининг қасддан ўлдирса, ҳаё қилувчининг ворислари судга ҳаёни бекор қилиш ҳақида талаб билан чиқишлари мумкин.

Ҳаё шартномаси ҳаё қилувчининг хоши-иродасига кўра тузилиши керак. Агар мажбурий шартларда тузилган бўлса, бундай шартнома бекор қилиниши лозим. Фуқаролик қўдаксининг 507-моддаси, 3-қисмига кўра агар ҳаё қилувчи учун катта номулкчи қийматга эга бўлган ҳаё буюмга нисбатан муомаласи унинг йўқолиб қетишига ҳавф солса, ҳаё қилувчи ҳаё бекор этилишини суд тартибиде талаб қилиши ҳақли. Агар шартнома қўрсатиб ўтилмаган бўлса, ваёда қилинган ҳаё, ҳаё олувчининг ҳуқуқлари унинг меросхўрларига (ҳуқуқий ворисларига) ўтмайди. Ҳаё шартномасига биноан, ҳаё беришни ваёда қилган шахсининг мажбуриятлари унинг меросхўрларига (ҳуқуқий ворисларига) ўтади.

И. ҚАЛҚОНОВ, ҳуқуқшунос

МЕҲР ВА САҲОВАТ ИНСОННИ УЛУҒЛАЙДИ

ижтимоий муносабатлар тизими раванда мумкин ўрин эгаллашга ишонилган. Президентимизнинг бу борадаги сарй-ҳаракатларини тўла қўллаб-қувватлайдилар.

Мустақиллик йилларида ўзини-ўзи бошқариш идоралари фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилди. Бу соҳада Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек, ҳуқуқат даражасида 15 та меърий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Баг-рикентлик, ўзаро меҳр-оқибат каби ноёб қилувчилар айни маҳалла муҳитида камол топади. Кам таъминланган оилаларга нафақа ва моддий ёрдамлар маҳалла орқали амалга оширилади. Чунки маҳалла фаоллари ҳар бир оиланинг моддий аҳолини ва даромад манбаларини яқши билди.

Албатта, ҳомийлик йўли билан тўшаётган тушум ва бошқа моддий ёрдамлардан ошқоралик асосида аниқ мақсадларда фойдаланиш талаб этилади. Қўйилган талабларга тўла риоя қилган маҳаллалар бу ишончи оқлаб

кент шаҳар Учтепа туманидаги "Дерез" маҳалласида истиқомат қиладиган Босит Юсупов кам таъминланган бир оиланинг аёниб кетган уйини қайта тиклаб берган, қомулал тўловлардан қарз бўлиб қолган 11 маҳалладошларнинг ҳар бирага 100 минг сўмдан ёрдам қилган. Навоий вилояти, Навбахор туманидаги "Руслан-Жаҳонгир" фирмаси раҳбари Маҳмуд Аҳмедов кам таъминланган оилалар уйини таъмирлаш учун 1 миллион сўм маблағ ажратган. Самарқанд вилояти, Булунгур туманидаги "Соҳибқор" маҳалласида истиқомат қиладиган Нуриддин Бердиев аёли вафот этиб, ўзи ёш болалар билан қолгани, бир қизи ҳасталангани ҳақида шундай ёзади: "Рўзгор ташвишлари, фарзандларимнинг таълим-тарбияси учун ҳам иқтисодиий, ҳам руҳий мадада қў муҳтожа бўлиб қолдим. Ана шунда халқимиз меҳр-мурувватли эканлигига яна бир қарра амин бўлдим. Яқши инсонлар ҳолимиздан ҳабар олиб туришди, қизим-

Ajab savdolar

ги қонуннинг 27-моддаси талаблари қўпол тарзда бузилган.

Утган йилги тақдимномага



ридан самарали фойдаланишди. Кинматбашо қозғолар олишга рағбат уйғонади. Бу эса мамлакат иқтисодий қувватини оширишнинг дастаги бўлади дейилса, хато саналмайди.

Қисқаси, юқорида тилга олинган тақдимнома юзасидан вилоят адлия бошқармасининг энди ги сафар "УзАгромашсервис" Уюшмаси раиси номига Жижзах "Вилоят МТПлар бирлашмаси" очик ақциядорлик жамиятига амалий ёрдам бериш йўли билан ўрганиш ўтказатганда, қонунларга нисбатан бепасанд муносабатда бўлиб-ёғгани аниқланди. Оддий бир мисол. Мазкур жамият бошқаруви раиси адлия бошқармаси ходими томонидан ўрганиш натижалари бўйича тайёрланган маълумотномага эътироз билдириб, имзо чекишдан бош тортган.

Шу ўринда ҳақи савол туғилади: бирлашмада очик ақциядорлик жамияти Устави талаблари қонун доирасида бажарилаётми? Агар шундай бўлса, нега жамият бошқаруви раиси бундай йўл тутаяпти?

Аслида бу масаланинг моҳиятини ойдинлаштириш учун ўтган йилнинг март ойини эслаш кифоят. Нега деганда, айнан 2005 йилнинг 24 мартида вилоят адлия бошқармаси жамият бошқаруви раиси У.Турсунов номига ўрганиш натижасида аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритилган. Бу тақдимномада бирлашманинг тасвир ҳужжатлари ва амалдаги қонунларга риоя этилиши борасида йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатлари, аниқроқ айтганда, 2003

йилнинг молиявий яқуни бўйича жамият ақциядорларига дивидендлар тўлов қайдномаси орқали тарқатилмаганиги баён этилган-ди.

Албатта, бу ҳаётда ҳеч ким ўз ҳалол маблагини ерга ташлаб қўймайди. Бошқача айтганда, ҳар бир киши меҳнат билан топган пулига ақция сотиб олди, демак, ҳар йили дивидент олиши ва шунинг орқасидан рўзгорининг кам-қўстини бутлашини истайди. Бу бир томондан, ақциядорларга молиявий мадад. Мадад бўлганда ҳам агар ақцияси қанчалик кўп бўлса, шунчалик кўп қувват. Иккинчи томондан, ақциядорга дивидент улуши берилиши жамият фаолиятида қонун бузилишнинг энг кўлиб қолди.

Ўрни ўтказилган ўрганиш-да 2004 йил яқуни бўйича олининг соф фойда — 13 миллион 214 минг сўм ақциядорларга дивидент тарқатилган маълумот бўлди. Афсуски, очик ақциядорлик жамияти мутаассадлари қонунда кўзда тутилган бу вазифани бажаришмаган. Шунинг "Ақциядорлар жамиятлари ва Ақциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида"

Мақсуда САВОПОВА, ҳуқуқшунос
 Ҳамид ЭҒАМ,
 "Инсон ва қонун" муҳбири

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Талабгор ўз аризасида зиммасига юкланадиган барча шартларни ўз вақтида бажариш тўғрисидаги мажбуриятларини қўрсатиб ўтади. У амалдаги "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасига асосан, ўн саккиз ёшга тўлган, кишлоқ ҳўжалигида тегишли малака ва иш тажрибасига эга бўлган шахслар фермер бўлишга ҳақли эканлигини яқши биларди. Аммо танлов комиссияси котиби М.Бозоров унинг аризасига юзак муносабат билдириб, турли баҳоналарни рўқач қилди.

ЮЗАКИ МУНОСАБАТ

ташкил этиш ниётида бўлган Шавкат Аҳмедовнинг ариза ва ҳужжатларини асосиз равишда қабул қилмаган. Асаббузарликнинг фойдаси йўқлигини аниқлаган талабгор ёрдам сўраб,

ҳўжалигига айлантириш бўйича қайта ташкил этиш комиссияси 2005 йил 25 ноябрда 5-контурдаги ерда фермер ҳўжалиги

фуқаролик ишлари бўйича Гижзах туманлараро судига даъво аризаси мурожаат қилган.

Шу ўринда ҳақи бир савол

Tahlil ko'zгusi

Кейин эса тўпланган ҳужжатлар батафсил ўрганилгач, суд ўзининг ҳал қилув қарори билан даъвогарлар Баходир Қайюмов, Шавкат Аҳмедовнинг даъво талаблари қаноатлантирди. Туман ҳокимлиги, "Бухоро", Ибн Сино номидаги ширкат ҳўжалиқларини қайта фермер ҳўжалиқларига айлантириш бўйича комиссияга даъвогарларнинг тендер танловида қатнашиши ҳақидаги аризаларини қабул қилиш мажбурияти юклатилди. Тендер комиссиялари раислари Мансур Қудратов ва Бобомурод Абдиевларнинг ҳар бирадан давлат фойдасига давлат божи ундирилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, тендер танловлари агар соҳада ислохотлар чуқурлашиб бораётганлигини аққол намояён ётмоқда. Багри ҳазинага қон ерларимиз ҳалол, фидойий, омилиқор, зарбардас деҳқонлар ихтиёрига ўтганлиги барчамизнинг боқадиган заминга бўлган муносабатнинг ўзгариб бораётганлигини далолат беради.

Раҳима САИДОВА, ҳуқуқшунос
 Валижон ЮСУПОВ,
 "Инсон ва қонун" муҳбири

ПЬЕДАЛАРГА ҲАМ ЖАРИМА СОЛИНАДИ

Маълумки, асарият ҳоллари йўл ҳаракати қондаси бузилганда ҳайдовчи жавобгар ҳисобланади. Аммо пьедалар ҳам йўл ҳаракати қондаларини бузиши мумкин. Ўрни йўли кесиб ўттишда ҳавфсизлик қондаларига риоя қилинмайди. Пьедаларнинг бундай хатти-ҳаракати қонунбузарлик ҳисобланадими ва уларга нисбатан ҳам жазо чоралари белгилангани?

Алижон ШАРИПОВ,
 Қўқон шаҳри

— Албатта, пьедалар ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг ҳаракат қондаларини бузиши ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. "Маълумий жавобгарлик тўғрисида"ги қонуннинг 138-моддасида бундай ҳаракатлар учун жавобгарлик назарда тутилган. Мазкур моддага биноан, пьедаларнинг йўл ҳаракатини тартибга солуви сигналларга буйсунмаслиги, устунлик бериши, таъкидловчи ёки қўрсатма беришчи йўл белгилари талабларига риоя этмаслиги — энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисми микдориде жариима солишга сабаб бўлади.

Ҳайдовчиларга ҳар хил хизмат қўрсатиш мақсадида йўлни қатнов қисмида фуқароларнинг туриши, йўлларга ажратилган ҳудудда мол боқуш — энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан ўндан бир қисмигача микдорда жариима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида қўрсатилган шаҳсаларнинг йўл ҳаракати қондаларини бузиши авария ҳолатини вуқудга келтирса — энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача микдорда жариима солишга сабаб бўлади.

Саволларга ҳуқуқшунос Саломат НИЁЗОВА жавоб берди

(Давоми. Боши биринчи бетда)
 Шу кунгача ушбу қарор талаблари Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш тизими муассасалари томонидан 11 минг 371 шахсга қўлланилди ва улардан 4 минг 16 нафари жазодан озод этилди, - дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш бoш бошқармаси бошлигининг ўринбосари Анвархўжа Аъзамхўжаев. — Ички ишлар идоралари ҳамда Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш туман бўлимлари томонидан айна пайтгача жазони ўташ муассасаларидан қайтган шахслардан бир минг 821 нафарига ишга жойлаштишда ёрдам кўрсатилди. Икки мингдан кўпроғида ижтимоий қўниқма марказлари томонидан моддий ёрдам кўрсатилди.

«Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси ва ички ишлар идоралари ҳамкорлигида маҳаллаларда жинорий жавобгарликдан озод этилган

ган шахсларнинг оилаларидаги шарт-шароит, муҳит ўрганилиб, муайян профилактика ишлари олиб борилмоқда. Бунда ички ишлар идоралари ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари, жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги яхши самара бермоқда.
 Бу борада пойтахтимизнинг Учтала туманида олиб бoрилаётган ишлар айниқса, эътиборга молик. Туманда жазони ўташ муассасаларидан озодликка чиққан шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш, ишга жойлаштириш ва уларга тегишли моддий ёрдам кўрсатиш бoрасидаги ишлар изчиллик билан

бажарилляпти. Жазони ўташ муассасаларидан озодликка чиққан 34 нафар шахслнинг барчаси тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларга тегишли моддий аъзоларим ҳам анча жабр чекдик, — дейди Б.Юнусов. — Уз қилмишим учун 2004 йил 15 октябрь кунини Тошкент вилояти суди томонидан беш йилга озодликдан маҳрум этилганим. Амнистия тўғрисидаги қарор менга ўхшаб йўлдан адашганлар учун катта имкониятдир. Бундай ғамхўрликларга жавобан энди тўғри яшаб, ҳалол меҳнат қилмоқчиман, оиламга, юртимга наф келтирмоқчиман.
 Шундайлардан яна бири

ликка чиқши унга ҳаётга янгиликка қараш имконини берди.
 — Мен ёлгон хою-хавасга учиб, нотўғри йўлга кириб қолганим тўғрисида ўзим ҳам, оилам ҳам анча жабр чекдик, — дейди Б.Юнусов. — Уз қилмишим учун 2004 йил 15 октябрь кунини Тошкент вилояти суди томонидан беш йилга озодликдан маҳрум этилганим. Амнистия тўғрисидаги қарор менга ўхшаб йўлдан адашганлар учун катта имкониятдир. Бундай ғамхўрликларга жавобан энди тўғри яшаб, ҳалол меҳнат қилмоқчиман, оиламга, юртимга наф келтирмоқчиман.
 Шундайлардан яна бири

Qaror va ijro

Кўчкор Жалилов. У оиласи билан Шайхонтохур туманида кўниқушлилар билан аҳил-иноқ яшарди. Бироқ, нима бўлди-ю, кўшнилари ўртасида уй-жой қурилиши вақтида арзимас ер майдони учун тортишув бошланди ва у бора-бора жанжалга айланди. Ушунда Кўчкор ака қизишиб кетиб, кўшнисига оғир тан жароҳати етказиб қўйди. Бунинг учун Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан беш йилга озодликдан маҳрум этилди.

— Амнистия тўғрисидаги қарор тўғрисида ўзим йўлдошим Кўчкор Жалиловга ўхшаб, билиб-билмай хатога йўл қўйганлар муддатидан аввал оиласи ва фарзандлари бағрига қайтмоқда, — дейди унинг хотини Машқура Фозилова. — Бу бағрикенглик ва ишонч учун ЮрТюбикидан беҳад миннатдорим.

Бундай кишиларнинг авф этилиши уларни юртимиз раванки ва фарзандлари келажаги йўлида тўғри яшаб, ҳалол меҳнат қилишига рағбатлантириши шубҳасиз.

Н.АБДУРАЙИМОВА, журналист

АМНИСТИЯ

Ижроси изчил таъминланмоқда

ЖАМИЯТ ОЛДИДАГИ БУРЧ

Сир эмас, эртанги кунни учун қайғурдиган жамиятда оилага эътибор кучли бўлади. Фарзандлар қалбида одамгарчилик, инсонпарварлик сингари олижаноб туйғулар, аввало, оилавий муҳитда шаклланади. Бу жараёнда ота-оналарнинг ўз болалари билан тил топа билишлари, қариндош-уруғларнинг ўзаро меҳр-оқибатлилиги, ҳамжиҳатлиги олоҳида ўрин тутди.

Албатта, ҳаётда ҳар бир ота-она фарзандим бошқалардан кам бўлмай воёга етсин, унинг бахтини, истиқболини кўрай деб ният қилади ва бу йўлда ҳатто жонини ҳам аямайди. Афсуски, баъзи ота-оналар фарзанд тарбиясига ўз-ўзича амалга оширган оддий жараён, деб қарашади. Ваҳоланки, фарзанд тарбияси ўта нозик, масъулиятли ва меҳнатлаб юмшувдир.

Бунини тўғри етмаган айрим ота-оналар арзиманган жанжаллар баҳонасида ажралишгача боришади. Дейлик, уй-жонини, мол-мулкни иккига бўлиш мумкин-дир, аммо болани, унинг мурғак қалбини иккига бўлиб бўлмайди-ку!

Она қарамоғида қолган фарзанд улғайгач, кўнгли яримта бўлиб қолмайди-ми? Кўча-кўйда ўз ота-оналари билан юрган болаларни кўрганида беғуноҳ гўдак дили гамга ботмайди-ми? Бир кунги ўз отаси ҳақида сўраганида она бечора нима дейди? Бечора волидаси ноилжорликдан ўз фарзандига ёлгон гапириб дардини юмшатиши мумкин, холос. Лекин ҳақиқат бир кунги юзага чиқши аниқ-ку! Тўғри, бола оқ тараб, оқ ювиб ўстирган онасини кечирishi мумкин, аммо отасининг қилмишини асло кечирмайди...

Демак, ота-она ўз болалари тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти учун қонунда белгиланган тартибда масъулдирлар. Қолаверса, бола тарбияси ҳар бир фуқароннинг жамият олдидаги энг муқаддас бурчи саналади. Бу бурчни чуқур англаган оилаларда фарзанд қўришини, ўзларидан муносиб зурриёнд қолдириш чинакам бахт саналса, айрим ота-она экинанинг фарзандлар тарбиясини унутиб ичкиликка, гийҳвандликка берилишдек жамиятимизга номуносиб иллатлар гирдобига ашашни кечирилмас ҳолдир.

Биз бундай нохушликларнинг олдини олиш мақсадида туманимиз ФХД бўлими қoшида «Оила дорулфунунни» ўқув-масъулотлар мактаби ташкил этганмиз. 1998 йилдан буён бу мактаб пухта режа асосида иш юритиб келаётир, тингловчилар сонини эса йил сайин ортиб бoрмоқда.

XXI АСР НАФАСИ

воқеалар, хабарлар, тафсилотлар

СУД ДАВОМ ЭТАДИ

«Reuters» ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, кунини кеча Ироқнинг собиқ раҳбари Саддам Хусайн очлик эълон қилишнинг тўхтатган. Маълумки, Саддам Хусайн уаётган суд жараёнига норозилик сифатида бундан 11 кун муқаддам очлик эълон қилган эди. Ироқнинг собиқ раҳбари сақланаётган қамоқхона маммурияти ва унинг адво-

қатор ашаддий жиноятчилар қочиб қилишга ҳаракат қилган. Шунингдек, бу тартибсизликлар оқибатида 1 нафар маҳбус қўриқдан бўлган ва 30 нафарга яқин маҳбус турли даражада тан жароҳати олган.
 Хозирда қамоқхона полиция ва аскарлардан иборат уч қаватли халқа билан ўраб олинган. Қобул расмийлари бу тартибсизлиқни келтириб чиқарган маҳбуслар билан мулоқат олиб бoришга ҳаракат қилаётир. Лекин айна пайтгача бирор-бир аниқ қарорга келинган йўқ. Агар маҳбуслар ҳуқумат талаби-

МАҲБУСЛАР НИМАДАН НОРОЗИ?

Россиянинг НТВ телеканали Афғонистон пойтахти Қобул шаҳрида жойлашган қамоқхоналардан бирида маҳбуслар томонидан тартибсизликлар уюштирилгани ҳақида хабар тарқатди. Маълумотларга қараганда, тартибсизликларга маҳбусларнинг махсус кийим-кечак тарқатилиши сабаб бўлган. Тўпoлoндан фойдаланган «Ал-Қоид» ва «Толибон» гуруҳи аъзолари бўлмиш бир

ни бажармаса, қамоқхона ҳарбий куч ёрдамида бўйсундирилади.
ЛОНДОН МЭРИ ИШСИЗ ҚОЛДИ

Лондон Мэри Кен Ливингстон шу йилнинг 1 мартдан эътиборан 4 ҳафта мuddатга ўз вазифасидан четлаштирилган. Мэрининг бундай жазоланишига ўз вазифасини бажараятган журналисти ҳақорат қилгани сабаб бўлган. Маълумотларга қараганда, шахар мэри Кен Ливингстон «Ивинг стэндрд» газетаси муҳбири Оливер Файнгoлдни ҳақорат

Ўз уйда омонат, ўзгаларнинг таъна-дашномини остида яшаган кишиларни қўриқанми?

Собиқ иттифоқ даврида коммунал уй-жойларда истиқомат қилганлар буни яхши билишади. Улар нафақат ўша зугумларни қўришган, балки бошларидан ўтказишган ҳам. Чунки ўша даврда давлат уй-жойларининг яққо ягона эгаси эди. Қонунлар эса, фирқа қотиби ва «ижроқўм бува»га хоҳлаган одамни уйдан маҳрум этиш ва уни хоҳлаган кишига илғом қилиш ҳуқуқини бериб қўйганди. Одамлар оддийгина мижри деворга қоқиш учун ҳам «ЖЭК» аталмиш «қаттакон» идорасига руҳсат сўраб бoришаро...



ЭТАЛТИК ХИССИ

Давлатга қарашли коммунал уй-жойлар истиқлоқнинг дастлабки кўнаридаёқ Президентимиз Исрол Каримов томонидан фуқароларга тўғридан-тўғри ва имтиёзли равишда хусусийлаштириб берилган ўтмиш даври ҳўжасизликларига чек қўйиш йўлидаги дастлабки қадам бўлди. Одамлар онгда мулкка эгаллик ҳисси йўгонди, уй-жойларни авайлаб-асраш, тозалик ва ободончилиқни таъминлаш барчаннинг бурч ва мажбуриятга айланди. Президентнинг «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини тақомиллаштириш бoрасидаги кўшимча чoра-дабoрлар тўғрисида» 2005 йил 10 февралдаги қарорига мувофиқ, фуқаролар тасарруфига бoриларган

Qonun dastagi

Зотан, «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун шуни тақазo этади.

Уй-жойларга бўлган муносабатнинг ўзгариши шахар ва қишлоқларимиз кўрқининг ҳам ўзгаришига олиб келди. Лекин ҳали қутилган мақсад ва режалар тўлалигича бўлиб қолган. «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун шуни тақазo этади.

Уй-жойларга бўлган муносабатнинг ўзгариши шахар ва қишлоқларимиз кўрқининг ҳам ўзгаришига олиб келди. Лекин ҳали қутилган мақсад ва режалар тўлалигича бўлиб қолган. «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун шуни тақазo этади.

Мэрининг таъкидлашича, журналист унга асабини бузиллишига сабаб бўлган савол берган. Жаҳли чиққан мэр журналистни «миллатчи ва ҳарбий жиноятчи, шунингдек, немис концлагерининг қорувли»га ўхшатган. Шундан сўнг ўзини ҳақоратланган ҳисоблаган журналист интизом комиссиясига мурожаат қилган.
 Кен Ливингстоннинг фикрича, бу демократиянинг камситилишидан бошқа нарса эмас. Чунки уни ушбу лавозимга миллионлаб лондонликлар сайлаган. Уни вазифасидан четлатишга ҳам фақатгина сайловчиларнинг ҳаққи бор. Шунинг учун ҳам мэр интизом комиссиясининг қароридан норози бўлиб, судга мурожаат қилмоқчи. Агар у бу жараёни ютқизадиган бўлса, суд ҳаражатлари учун ўз қўлгадан 80 миң фунт-стерлинг тўлашган мажбу бўлади. Ваҳоланки, мэрининг бир йиллик даромади атиги 134 миң фунт-стерлингни ташкил қилади...

ЖАНГАРИЛАР ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Саудия Арабистонини пойтахти Ар-Риёд шаҳрида 5 нафар жангари махсус хизмат ходимлари томонидан йўқ қилинди, деб хабар бoради НТВ телеканалининг «Сегунда» кўрсатуви. Жангариларга қарши курашда махсус хизмат ходимлари нафақат автоматлардан, балки гранатомётлардан ҳам фойдаланишига тўғри келган. Шунингдек, жангариларнинг Ар-Риёд шаҳрида яшов-

чи воситачиси қамoққа олинган. Айна пайтда тергов ишлари давом этмоқда.
ҚЎШИҚЧИ ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

Британиялик машҳур қўшиқчи Жорж Майкл ўз уйда гийҳванд моддаларни сақлагани учун полиция томонидан қамoққа олинган. Маълум бўлишича, унинг қўлга тушишига оддий ҳодиса сабаб бўлган. Чунки мейёридан ортиқ гийҳвандлик моддасини истеъмол қилган ҳонанда ўз машинасида уялб қолган. Тасодифан йўлдан ўтиб кетаётган йўловчи ва ҳақда кўтарув хизматига хабар берган. Чақириқ бўйича етиб келган кўтқарув хизматчилари ва полиция вакиллари аввалига Жоржини аляқoлoлға қарши текширувдан ўтказган. Бундан бирор-бир натижа чиқмагач, унинг машинаси текшириб қўрилган ва ҳонанданинг машинаси салонидан марихуана гийҳвандлик моддаси топилиган.
 Интернет материаллари асосида Махмуд ХАЛИМОВ тайёрлади

Одатда, ҳаётда била туриб жиноятга қўл урадиган қимсалар кам учрайди. Жиноят ишларига доир маълумотларни кузатганда баъзан эҳтибсизлик, баъзан эса билиб-билмай ёки бировнинг гапига кириб жиноятга аралашиб қолган кишиларнинг тақдирини билан танишмас. Лекин қонун талаби қатъи: қонунни буздингми, жазo олишинг муқаррар. Зoро, қонун устуворлиги демократик жамиятнинг асосий талаби.

ҚАМОҚ ЖАЗОСИ ҚЎЛЛАНИЛМАДИ

Уш, шундай экан, билиб-билмай жиноятга қўл урган кишининг қисмати қандай кечадиган, деган савол туғилиши табиий. Бу ўринда таъкидлаш жоизки, қонуннинг вазифаси фақат жазолашдан иборат эмас. Қонун, аввало, фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади, уни қонун асосида яшашга ўргатади. Бир сўз билан айтганда, қонун кишини тарбиялайди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан буён Президентимизнинг «Амнистия тўғрисида» ўндан эиёд Фармони эълон қилинди. Ушбу Фармонларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши натижасида эса буғунгача жиноят йўлига адашиб кириб қолиб, чин дилдан таъба қилган миң-миңга юртдошларимиз ўз оилалари, қариндош-уруғлари, соғлом ҳаёт бағрига қайтишди. Улар буғун жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли фуқаролари қаторида меҳнат қилишмоқда.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари тақдиримизга бинoан, Олий Мажлис Сенатининг 2005 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорига асосан, адашиб жиноят йўлига кириб қолган миңлаб фуқаролар авф этилди. Жумладан, фуқаро Ф.Жалилова 2005 йилнинг 15 июлда қўеви Ш.Мамадалиев билан жинорий тил бириктириб, «Яйпан» Ўзбек-Юнон қўшма қорхонаси вакили А.Якубовга уруғлик учун бугдой олишга ёрдамлаштириш ваъда қилиб, жабранлуғича тегишли 5000 миң АКШ долларини фирибгарлик йўли билан ўзлаштирган. Унга нисбатан Жиноят кодексининг 28-211-модда, 3 қисми «а» банди билан жиноят иши қўзғатилган эди. Жиноят ишлари бўйича Юнусoбoд туман суди Сенат қарорининг 5-бандига асосан, Жиноят кодексининг 68-моддаси, Жиноят процессуал кодексининг 84-моддаси, 2-қисми «а» ва «б» бандлари билан жиноят иши қўзғатилди. Олий Мажлис Сенатининг қарори бoрада Ўзбекистонда олиб бoрилаётган ислохотларнинг инсонпарварлик тамойилларга асосланганидан далoлат бoради.

Собиқ иттифоқ замонидан қонун инсон учун эмас, аксинча, инсон қонун учун хизмат қилар эди. Бир кишининг арзимаман қонунбузарлик учун қамалиши эса нафақат унинг ўзи, балки оила аъзолари ва қариндош-уруғларининг ҳам имкониятларини қечлаб қўяди. Мустақил мамлакатимизнинг амалдаги қонунлари, аввало, инсон манфаатлари учун хизмат қилиши билан адолатлидир. Айна шу тамойил жамиятимизда демократик жараёнларнинг изчиллик ва тoзoқорлигига омил бўлмоқда.

Дарҳақиқат, амнистия бу — бағрикенглик ва инсонпарварликнинг, халқимизга хос ўзбекча кечиримлиқнинг олий намунаси. Бироқ бу бағрикенгликнинг инзор суъистеъмол қилиб бўлмайди. Буғун амнистия тўғрисида озодлик қилиб, оиласи, қариндош-уруғлари бағрига қайтган фуқароларимиздан соғлом турмуш тарзига қўниқиб, жиноятга қайта қўл урмаслик талаб этилади.

М.ХОЛИМОНОВ, ҳуқуқшунос

Jinoyat va jazo

Нукусда машум бир жиноят содир этилди. Минг афсуски, ўша кунини оёл, деган муқаддас номга доғ тушди...

ТУЛОЙША, ТУЛЧЕХРА, ТУЛНОЗ...

ёхуд олтин асиралари

Ҳа, аёлларнинг исмига, жисмига монанд тарзда «тул» сифатини қўшиб айтмас. Бироқ «ёвуз» сўзини аёл исми ёнида қўйиб бўлармикин?! Жиноятга қўл урган аёлларга нисбатан-ку? Исmlар жанрангига эътибор беринг-а: Гулоёша, Гулчеҳра, Гулноз... бугун бир чаман, дейсиз. Бироқ бу чаман гуллари беозор бир малак юрагига қақиртқан бўлиб сэнчилиди.
 Келинг, воқеани бошидан ҳикоя қилайлик.
 Гулоёша орзу-хавас билан турмуш қўрас. Анча вақт дўкoнда савдо билан шуғулланди. Икки нафар фарзандли бўлган, уйда ўтириб қолди. 2003 йилнинг ёзидан яна бозорга қайтиб, ўзини савдога урди. Бироқ омади чопмай иши орқага кетди. Сабр қилишга иродаси етмай, пул топишининг енгил йўлини қидирди. Била туриб фирибгарлик йўлига кирди.
 2004 йил 28 сентябрда Гулоёша ўз «фаолиятини» бошлади. Фуқаро Гулсан Тожимуротовани лақиллатиб, Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармасида хизмат қилган, деб унинг ишонига кириб олди. Ваъдани куюқ қилди: қизини Нукус аэропорт-

СУД ОЧЕРКИ

тига, ўғлини божхона бошқармасига ишга жойлаб қўйиш ваъда қилиб, унинг 510.000 сўм пулини шилиб олди.
 2004 йил 24 октябр. Нукус аэропортга ишга жойлаб қўйиш баҳонасида фуқаро Гулмира Қартбоевадан ҳам 115.200 сўм пулини ўзлаштирди. Фирибгарликни қасб қилиб олган Гулоёша шу зайдда ёлгон ваъдалар билан Светлана Поллонниёзовани 80.000 сўм, Айман Аширбекованинг 215.500 сўм, Гулоёлим Раметўлладованинг 60.000 сўм, Арҳон Юсупованинг 100.000 сўм, Гулбахор Ҳакимованинг 80.000 сўм, фуқаро Лолаҳон Нуримованинг 150.000 сўм, фуқаро Анда Наметованинг 80.000 сўм пулини ҳаминига урди. Санагул Ҳолмуротовани эри ва қайинисини Нукус аэропортга, ўзини божхона бошқармасига ишга жойлаштиришга сўз берди, 450.000 сўм пулини олди. «Бир кун ичида қайтариб бераман», деган алдов билан Санагулнинг 65.000 сўмлик тилла сир-

фаси ва 50.000 сўмлик тилла узуқларини қўлга киритди. Қаллобликка устамон бўлиб қолган товламачи чув тўшган «мижоз»ларнинг ишончини қозониш мақсадида уларни тегишли ҳужжатларни тўлгазишга, хизмат қилмишларини тиктиришга ундар, «бугун-эрта ишга чиқасан», «иншин битай деб турибди, янги шатлар очляпти, пича кутинг», каби баҳоналар билан «мижоз»ларини ховуридан тушириб турарди.
 2005 йил 10 апрел. Шу кунини ўзига расмий тус бериб, бошқаларни тўрига осон илтинриш илкимда божхона ходими илкимда Сарвинoз Елмуротовага қўриқиб берди ва «олтин тақинчоқларини сотиб бераман», дея лақиллатиб, ҳамми 3.024.000 сўмлик тилла тақинчоқларини олди кетди. Сарвинoзнинг қўлига пулнинг 1.714.000 сўми тегди, холос. Пулнинг қолганини қайтаришнинг ҳаёлига ҳам кайтирмаган Гулоёша янги «мижоз»ларни «ов»лашни давом эттирди: пуч ваъдаларини бериб, Раъно Аширбековани 200.000 сўмга, Клара Давоёвани 300.000 сўмга чув тушириб кетди.
(Давоми тўртинчи бетда)

